



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 12-noyabr. Payshanba

132 (32.035)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2016 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азиев ҳамда Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси



А.Шодмонов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати — 2016 йилги

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари

лойиҳалари мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатини

сақлаш, давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиши улушини камайитириш, хусусий мулкнинг ролини тубдан оширишнинг, мам-

лакатда мустаҳкам иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини назарда тутди.

Узоқ истиқболни кўзлайдиган ушбу стратегия мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 16 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2015 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларни, жорий йилга белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишни, 2015 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Давоми 2-бетда.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЎЗЎЗЛАШ ЙИЛИ

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 45-модда.

НУРОНИЙЛАРНИНГ ҚАДРИ ЮКСАК

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида кекса авлод вакилларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг жамиятдаги, ёшлар тарбиясидаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги ишлар кўламини янги босқичга кўтарди. Мазкур фармонга асосан кексаларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайтирилиб, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир мартаба санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Жалоловнинг таъкидлашича, ушбу маҳаллада истикомат қилувчи Тўлаған ота давлатимизнинг ана шундай эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд яшаётган инсонлардан бири.

Мустақиллик йилларида Тўлаған отанин меҳнати ва матонати давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. Президентимизнинг фармонида мувофиқ Тўлаған Имомов 1994 йили «Жасорат» медал билан тақдирланди. 2015 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президентимиз номидан отахоннинг кўксига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медал таънавор тақиб қўйилди.

— Биз, фахрийлар давлатимизнинг ғамхўрлигини ҳис этиб яшамокдамыз, — дейди Тўлаған ота. — Маҳалла-қўй, тиббиёт ходимлари, ёшлар ҳолимиздан хабар олиб турибди. Йиғинлар, ёшлар билан учрашувларга тез-тез тақлиф этиламан. Уларда ёшларга юртимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамма нарсадан қадри эканини таъкидлашдан чарчамайман. Илоҳим, бизга эҳтиром кўрсатган инсонларнинг ўзлари ҳам улуг ёшларга кириб, доимо элимиз ардоғида бўлсин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз тегмасин.

Шаҳноза МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Навоий вилояти:

БЕКІЁС БУНЁДКОРЛИКЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР

аҳоли турмушини фаровонлаштириб, эртанги кунга ишончли мустаҳкамламоқда



3

Давоми 2-бетда.

ДЕПУТАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ҳаётий ташаббуслар орқали

муаммоларга ечим топилади, сайловчилар ишончи оқланади

Маълумотларга кўра, жаҳонда юз минглаб, миллионлаб ўрта махсус маълумотга эга ёшлар ишга жойлашишда турли муаммоларга дуч келмоқда. Бугун иқтисодиёти гуркираб ривожланаётган давлатларда ҳам бандлик масаласи жиддий ва долзарб мавзуга айланган. Ўзбекистонда бу муаммони ҳал қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, коллеж битирувчиларига микрокредитлар ажратилиб, улар ўз бизнесини йўлга қўйишга кўмаклашилмоқда.

Бу жараёнда ЎзХДП ҳудудий кенгашлари ва депутатлар фаол иштирок этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон ХДП ўз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахасссалиги бўйича ишга жойлаштириш, аёлларнинг оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначиликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида 30 га яқин масала, доимий комиссияларда 26 масала кўриб чиқилди, 12 масала эса сессияга киритилди.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Партия ташкилотлари ва депутатлар

электорат вакиллари манфаатини ҳимоя этишда мустаҳкам ҳамкорликда курашиши лозим



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий партия кенгашлари фаоллари, депутатлар, «Фаол аёллар» ва

«Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлаш-

малари олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди.

Дастлаб, вилоят партия кенгаши раиси Алишер Тошматов бугунги кунда сиёсий партиялар олдида қўйилаётган талаблар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг жорий йил 9 ойлик фаолияти натижалари бўйича маъруза қилди.

— Бугун мамлакатимизда сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг демократик ислохотлар жараёнида иштироки сезиларли даражада кучайиб бормоқда, — деди у. — Аммо шиддат билан ўзгараётган замон, тараққиётга ҳамоҳанг тарзда партияимиз фаолиятини янги босқичга кўтариш, янада ташаббускор ва фаол бўлиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз кўпроқ ташаббус кўрсатиши, электоратга, ҳаётга яқин бўлиши, кўпчилигини ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал қилиш тақлифлари билан чиқиши зарур.

Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ДЕПУТАТЛАР ФОРУМИ
ЎТҚАЗИЛДИ



Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

ТИББИЁТ

Травматология ва ортопедия:

Беморлар илғор усуллар орқали даволанмоқда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия республика илмий-текшириш институтида малакали мутахассислар томонидан юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

Бу шифо масканида оғир тан жароҳати олган, ортопедик хасталикка чалинган беморлар тажрибали мутахассислар ёрдамида ўз соғлиқларини тиклашмоқда. Бугун мазкур институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифокорлар касб малакасини ошириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

Мухбиримиз институт директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Мирҳаким Жавхарович, инсон ҳаётида унинг қадди қомагани расо қилиб турадиган аъзолар, суяк ва тўқималар соғломлиги муҳим аҳамиятга эга. Сиз раҳбарлик қилаётган институтида, асосан қандай беморлар даволаниши ҳақида кенгрок маълумот берсангиз.

— Бирор қутилмаган тасодиф туфайли суяк ёки пайлари шикастланган, қўл, оёқ бўғимларида оғир пайдо бўлган инсонлар бизга мурожаат қилади.

Бу ерда 8 бўлим, тез ёрдам хизмати, рентген, инструментал-лаборатория диагностикаси мавжуд бўлиб, умуртқа дегенератив касалликлари, аҳоли ўртасида кенг тарқалган диск чурасини олиб ташлаш ва суяк-пай билан боғлиқ турли хил касалликларни энг илғор тиббий технологиялардан фойдаланилган ҳолда даволаш йўлга қўйилган. Японияда ишлаб чиқарилган рақамли рентген аппарати, умуртқани чўзувчи замонавий мосламалар турли касаллик белгиларини эрта аниқлаш ва даволаш имконини бермоқда.

Институти олимлари ва мутахассислари ҳар йили ўтказиладиган республика

Даво истаб келган бемор дардига малҳам бўлиш, унинг қайтадан оёққа туриб кетиши учун қўлидан келганча ёрдам бериш шифокорлар учун энг олий мартаба, юксак шараф. Бир инсон ҳаётга қайтса, бунда оз бўлса-да, ҳиссанг борлигини ҳис қилсанг, шундан ортиқ қувонч йўқ.

мезон, деб ўйлайман. Ана шу мақсадда беморларни энг илғор усуллар билан даволаш бўйича Швейцария, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон каби кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Шу асосда тезкор артрология (бўғимлар касалликлари) ҳамда вертебрология (умуртқа касалликлари ва шикастланиши) бўлимлари энг яхши хорижий технологиялар ёрдамида компьютерлаштирилди. Травматология соҳасида қўлланиладиган ҳозирги замон ташхис қўйиш жиҳози — рақамли рентген аппарати, доплерография-ультратовуш аппарати ва бошқалар аҳолига диагностика ёрдам кўрсатиш сифатини сезиларли даражада оширди. Ортопедиянинг йирик бўғимларни эндопротезлаш, артроскопик операциялар ва вертебрология каби илғор жарроҳлик усуллари имконияти. Республикада илк бор артроскоп — тизза бўғими патологиясига ташхис қўйиш ва даволаш учун махсус оптик митти асбоб қўлланилди ва пластик материаллар қўллаш йўли билан бутсимон пайларни тиклаш усули ишлаб чиқилди.

Энг янги наркоз препаратлари, монитор ва бошқа усуналар билан жиҳозланган операция бокси ва анестезиология ва реанимация бўлимлари капитал таъмирланди. Ўзaro тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида кўплаб хорижий илмий марказлар билан алоқа ўрнатилган. Қилинган ишларнинг ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Натижа шундай бўлдики, ҳозир йилига 26 мингдан кўп жарроҳлик муолажаси ўтказилляпти. Демак, ҳар йили оғир тан жароҳати олган ёки оғир ортопедик хасталикка чалинган минггадан одамлар, ҳаётга, оиласи ва ёру биродарлари бағрига қайтляпти.

— Айтингчи, жамоадан, айниқса, унга келиб қўшилиётган ёш кадрлардан кўнглингиз тўқми?

— Жамоамизда 9 нафар тиббиёт фанлари доктори, 32 нафар фан номзоди фаолият кўрсатади. Шифокорларнинг тахминан ярми инглиз тилини билади, шу тилда бемалол гаплашишди ва соҳага оид янгилик ва адабиётлардан хабардор бўлиб боради. Ёшлар масаласига келсак, улар ўзларига нисбатан талабчан, изланувчан. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди, шифокор ҳаммаша изланишда бўлиши, ўз йўналишига тааллуқли илмий адабиётларни муролаа қилиб, энг илғор тажрибаларни амалиётга жорий қилиши керак. Чунки ҳозир дунё, илм-фан, техника-технология жуда тез ўзгараётган. Улардан ортада қолиб кетмаслик учун ҳар доим ҳаракатда бўлишимиз зарур.

Хорижлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик мустаҳкамлашиб бормоқда. Дунёнинг бир қанча мамлакатларидан келган мутахассис шифокорлар институтида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига юксак баҳо беришмоқда. Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган Умуртқа поғонаси жарроҳлари халқаро уюшмаси раиси жаноб Ханс Йорг Леу эса ёшларимиз билан бевосита инглиз тилида мулоқотга киришиб, улар фаолиятини юқори баҳолади.

— Травматология ва ортопедия республика илмий-тадқиқот институти — мазкур соҳада бош марказ ҳисобланади. Вилоятлардаги мутахассисларга, шу соҳани танлаган ёшларга қайси йўл билан тажрибаларингизни етказяпсиз?

— Биринчидан, шифокорлар малакасини ошириш институтининг тегишли кафедраси орқали. У ерда доимий равишда вилоятлардан келган мутахассислардан иборат 25-30 кишилик гуруҳлар тузилади. Мен ва ҳамкасбларим уларга маърузалар ўқиймиз, амалий машғулотлар олиб борамиз, ёшлар биз билан бирга жарроҳлик муолажаларида иштирок этишди, кейин мунозаралар ташкил қиламиз.

Институти олим ва мутахассислари вилоятлардаги кишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника ва шифохоналарда бўлиб, профилактик-даволаш усуллари амалга оширишда врачларга методик ёрдам кўрсатади.

Мақсад — илғор тажрибаларни ўзлаштириш, шифокорлар маҳоратини ошириш. Бундан ташқари, мунтазам равишда дам олиш кунлари институтининг 10-12 кишидан иборат шифокорлар гуруҳи билан вилоятларга чиқамиз. Маҳорат мактаблари ўтказамиз, беморларни қабул қиламиз, зарур операцияларни амалга оширамиз. Жорий йилда ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Маҳорат мактаби» дастури бўйича мутахассисларимиз вилоятлардаги бир қатор тиббиёт муассасаларида бўлишди.

Даво истаб келган бемор дардига малҳам бўлиш, унинг қайтадан оёққа туриб кетиши учун қўлидан келганча ёрдам бериш шифокорлар учун энг олий мартаба, юксак шараф. Бир инсон ҳаётга қайтса, бунда оз бўлса-да, ҳиссанг борлигини ҳис қилсанг, шундан ортиқ қувонч йўқ.

Биз, шифокорлар ана шу қувончдан куч оламиз, беморларга ёрдам бериш истаги билан яшаймиз.

Александр ЧЕРНИЦЕВ
суҳбатлашди.

ОБУНА — 2016



Теша МҲМИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:
— Ботир ука, аввал мен ўқий, кейин сен ўқийсан. Ёшимни ҳурмат қил...

«Ўзбекистон овози»

газетасига обуна давом этмоқда.

Газетага обуна бўлсангиз: мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган энг сўнгги янгиликлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти, янги қонунларга шарҳлар, хориж парламентлари фаолияти, юртимиз ёшларининг илм-фан, санъат ва спорт соҳасида эришяётган ютуқлари, депутат, сенатор, таниқли олим ва ижодкорларнинг долзарб мавзулардаги фикр-мулоҳазалари билан мунтазам танишиб борасиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси 220

СПОРТ

Олимпия ўйинларига беш йўлланма

Палембанг (Индонезия)да байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда спортчилар нафақат медаллар, балки келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун ҳам ўзаро курашди.

Мусобақанинг 1000 метрга байдаркада эшак эшиш баҳсларида ҳамюртимиз Алексей Мочалов марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди ва олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу масофада каноэда эшак эшиш бўйича яна бир вакилимиз Герасим Кочнев ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

1000 метр масофага каноэда эшак эшиш бўйича жуфтликлар баҳсида Вадим Меньков ва Серик Мирбеков олтин медал билан тақдирланди. Шуниингдек, аёллар ўртасида бай-



даркада эшак эшиш бўйича Ольга Умаралиева 200 метрга ўтказилган яқалик баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келди ва Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Моҳир эшакчиларимизнинг бу муваффақияти уларга Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмаларини тақдим этди.

Эркин ХОЛБОБОВ

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди.

«Обод» — олий лигада!

Икки босқичда ўтказилган баҳслар якунида Тошкентнинг «Обод» жамоаси 65 очко жамғарди ва олий лига йўлнамасини қўлга киритди. Пойтахтликлар ўттиз учрашунинг йигирматасида галаба қозониб, беш ўйинда дурани ўйнади. Яна бешта баҳсда рақибларига имкониятни бой берди. «Обод» футболчилари мавсумда 98 бор рақиб дарвозасини иш-гол этиб, ўз дарвозалари тўридан 37 марта тўп олиб чиқди.

Биринчилигда Тошкентнинг яна бир жамоаси «Оқтепа» вакиллари 64 очко билан иккинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа низомига кўра, голиб жамоа янги мавсумни тўғридан-тўғри қўчилар сафида бошлади. Иккинчи ўрин соҳиби эса олий лигада ўн бешинчи погонани эгаллаган жамоа билан бир учрашувдан иборат «плей-офф» баҳсида куч синашди.

Эслаб ўтамиз, олий лиганинг охириги тур ўйинлари 19-20 ноябрь кунлари ўтказилди. Шундан сўнг, «плей-офф»да қатнашадиган жамоа номини билиб оламиз.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОБОВЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³

АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³

КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИМЕРНОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ОБ-ХАВО 12-13.11 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-3 / +2 +5 / +10

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+5 / +10 +12 / +17

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+4 / +9 +12 / +17

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+5 / +10 +13 / +18

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+3 / +8 +10 / +15

Тошкент шаҳри

+6 / +8 +12 / +14

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +16 / +9

Париж +16 / +11

Москва +4 / -1

Мадрид +21 / +6

Пекин +9 / +6

Канберра +27 / +12

Рим +21 / +9

Афина +24 / +14

Токио +17 / +9

Стокгольм +8 / +1

Кейптаун +23 / +13

Қоҳира +26 / +15

Гавана +32 / +22

Вашингтон +18 / +7

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР ХАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
1000000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada mo'ljall: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
10499
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqt — 23.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 5 6